

МИЛЛАТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИНГ АХЛОҚ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ

Xoliqov Yunus Ortiqovich

(falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori) (PhD) Samarqand davlat chet tillar instituti

Gumanitar fanlar va axborot texnologiyalari kafedrasida dotsenti

xolikovyunus88@gmail.com Tel: (+998 93) 997-64-42

Annotation

This article highlights the philosophical significance of shaping a culture of tolerance in young people. The role of the family and society in the formation of a culture of tolerance among young people in connection with morality, as well as the large-scale work carried out in our country are highlighted.

Keywords: tolerance, culture, enlightenment, globalization, mentality, national values, traditions, science, nation, ethnicity, pragmatism, strategy, pluralism, popular culture, security

Аннотация

Ушбу мақолада ёшларда миллатлараро бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг фалсафий моҳияти ёритилган. Ёшларда миллатлараро бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг ахлоқ билан алақадорлигида оила ва жамиятнинг ўрни ҳамда юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ёритилган.

Калит сўзлар: бағрикенглик, маданият, маърифат, глобаллашув, менталитет, миллий қадрият, урф-одат, илм-фан, миллат, элат, прагматизм, стратегия, плюрализм, оммавий маданият, хавфсизлик.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёга очиқлик сиёсати орқали танилиб, жамиятимизда сезиларли даражада ўзгаришлар юз бермоқда. Ушбу ислохотларнинг провард мақсади эркин фуқаролик жамиятининг шакллантириш шу орқали фаровонлик ва адолатни таъминлашдан иборат. Бундай улугвор мақсадларга эришишда, аввало, ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, уларнинг маданиятини юксалтириш муҳим ҳисобланади. Ёшлар маданиятининг ажралмас қисми бўлган миллатлараро бағрикенглик маданияти ҳам ислохотларимизнинг самарадорлигига, юртимизнинг дунёга очиқлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки, миллатлараро бағрикенглик маданияти жамият учун турли дин ва миллат вакиллари хамжиҳат бўлиб ягона мақсад – Ўзбекистонни янада ривожлантириш йўлида уларни

бирлаштиришга хизмат қилса, глобал миқёсда эса турли миллат ва динга мансуб инсонларни ҳеч қандай монеликсиз биз билан ҳамкорлик қилишига сабаб бўлади.

Бугунги глобаллашув шароитида миллатлараро бағрикенглик маданияти шаклланмаган жамиятда дунё ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёни ривожланмайди. Қолаверса, жамиятнинг ўзида ҳам ҳар бир шахсда бағрикенглик маданияти юксалган бўлса, кишилар ўртасида аҳллик, жамиятда барқарорлик, давлатда тартиб бўлади. Жамият тараққиёти, адолат устуворлиги фуқароларнинг бағрикенглик даражасига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистоннинг янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида устувор йўналишлар қаторига бағрикенг шахсни тарбиялаш киради[1]. Бағрикенглик ижтимоий муҳитнинг муҳим шарти сифатида қаралади. Бугунги кунда давлатнинг турли даражаларида бағрикенг шахсни шакллантириш ва турли хил муросасизликка қарши курашиш бўйича дастурлари қабул қилинмоқда[2]. Шундай қилиб, “бағрикенглик” тушунчаси Ўзбекистон жамиятининг лексиконига аллақачон кириб борган ва мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми буни сўзсиз қабул қилади ва толерантлик жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши керак. Ўзбекистон азалдан миллатлараро бағрикенглик қадрият даражасига кўтарилган макон, унинг тамойиллари устувор бўлган юрт сифатида эътироф этилади.

Миллатлараро бағрикенгликнинг мазмуни янада мураккаб ва катта семантик маънога эга. Фалсафий маънода, миллатлараро бағрикенглик шахснинг ахлоқий жиҳати билан боғлиқ бўлган категория ҳисобланади. Шу маънода у жамиятда инсоннинг хулқ-атворини бошқарадиган “категорик императив” вазифасини бажаради. Яъни, шахс бошқаларга бўлган муносабатда, инсонларни ўзаро ажратиб турадиган ва ўзига хос тафовутлар, маданиятлар, халқлар ва динларни инобатга олган ҳолда мулоқотга киришади. Аммо муносабатларнинг йўлга қўйишда юқоридаги кўрсаткичлар ҳал қилувчи бўлмаслиги лозим. Яъни шахс фақат динидан, миллатидан келиб чиқиб муносабат ўрнатмаслиги талаб этилади. Турли халқлар, маданиятлар, динлар ўртасидаги муносабатлар ва алоқалар зарурат ва кундалик ҳаётга айланган замонавий шароитда бағрикенглик ушбу халқлар, маданиятлар ва динлар ўртасидаги муносабатларнинг нормасига айланиши керак. Бу тараққиётнинг жадал ривожланиши ва глобаллашув жараёнида миллий чегараларнинг ювилиб кетаётгани инсониятнинг тинч яшаши учун муҳим шартдир. Шу маънода ҳам бағрикенглик барча одамлар, барча халқлар, динлар ва маданиятлар учун ахлоқий императив қийматини олиши керак. Фақат шунга асосланган цивилизация асосан можаролар, урушлар ва инқилоблардан қочиши мумкин. Америкалик тадқиқотчи Д.Труман ёзганидек, “агар жамият инқилобдан, таназзулдан, сақланиб қолса ва барқарорликни сақлаб турса ҳам, бу фақат очик жамият ва унинг мезони бағрикенглик билан боғлиқдир”[3- Р. 14.]. Очик

жамиятнинг муҳим белгиларидан бири бу толерантлик, ўзгача фикрга нисбатан миллатлараро бағрикенглик ва шу кабиларга олиб келадиган фикрлар, мафкуралар плюрализмининг муқаррарлиги ва зарурлигини тан олишдир.

Бағрикенглик маданияти мурасага асосланса плюрализм ҳурфикрликка асосланади. Уларни боғлиқлиги хилма-хилликни эътироф этиш ва шу тамойилга асосланиш ҳисобланади.

Миллатлараро бағрикенглик:

биринчидан, инсоний, оилавий, миллий ва умуминсоний миллатлараро бағрикенглик тарзида намоён бўлса;

иккинчидан, ўз-ўзини ҳурматлаш ва қадрлаш, мураса, ўзаро ҳурмат, қадрлаш, сабр-тоқат, чидамлилик, қаноат, шукр қилиш каби шаклларида намоён бўлади;

учинчидан, диний, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, халқаро ва давлатлараро йўналишларда акс этади. Юқоридагиларнинг барчаси субъектнинг маданияти билан боғлиқ ҳисобланади. Жамиятда толерантлик интолерантлик билан диалектик бирликда ҳам намоён бўлиши мумкин. Плюрализм жамиятда хилма-хиллик мавжудлигини англатади, толерантлик эса бутун тизимнинг ишлашини ва мавжудлигини таъминлайдиган бирлик тамойилини жорий этади. Толерантлик тамойили деспотизмнинг асосларини аниқлашга ва унинг намоён бўлишининг олдини олишга имкон беради, чунки у ўзаро таъсир қилувчи субъектларнинг позициялари тенглигини ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда ёш авлоднинг миллатлараро бағрикенглик маданиятини юксалтириш жараёнида манавий-ахлоқий, миллий қадриятлардан фойдаланиш, жамиятимиз аъзолари, айниқса, ёшларимизни юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш долзарб масаладир. Бу жараёнда ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетни шакллантириш, бағрикенглик маданиятини илму-маърифат асосида кучайтириш, юксак ахлоқий фазилатларни миллий руҳида тарбиялаш бугунги куннинг муҳим масаласи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабуётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 апрелдаги Фармони.
3. Мирзиёев Ш.М. “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 4 сентябрдаги Қарори.

4. Truman D.B, Opinion.N.Y. The Governmental Process.Political Interests and Public 1971.P. 14.
5. Холиқов, Юнус Ортиқович. "Бағрикенглик маданиятнинг моҳияти ва унинг ахлоқий асослари." Journal of Integrated Education and Research 1.6 (2022): 17-21.
6. Xoliqov, Yunus Ortiqovich. "Yangi O‘zbekistonda bag’rikenglikni rivojlantirishda millatlararo aloqalarning mohiyati." Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 2.Special Issue 23 (2022): 764-774.
7. Холиқов, Юнус Артиқович. "Ўбекистонда миллатлараро бағрикенглик инсонпарварликнинг асосий тамойили сифатида." Философия и жизнь международный журнал si-1 (2022).